

Исломда Ватан туйғуси



08:30 / 26.01.2023 5764

Маълумки, инсонга берилган энг бебаҳо неъматлардан бири – ўз Ватанида яшашдир. Чунки Ватан унинг киндик қони тўкилган, гўдаклик чоғи ўтган, илк қадамларини қўйган, ёшлик, кексалик даврларини сурадиган, хотиралари муҳрланган, ота-боболарининг юрти, фарзанду набиралари улғайган заминдир! Аллоҳ таоло ҳар бир инсонга ватанни севиш ва унга муҳаббат қўйиш табиатини ато этган.

Исломда ватанга муҳаббат бу – туғилиб ўсган юртига нисбатан эъзоздан иборатдир! Демак, мусулмон киши ватанини севади! Унинг иқболи учун ҳаракат қилади, уни ҳимоя қилади, хурсанд бўлса – хурсанд, хафалик етса – қайғуради. Инсон “Ватан менга нима берди?” деб эмас, балки “мен Ватанимга нима қилдим?” деган олий туйғу билан яшамоғи лозим.

Шунинг учун ҳам киши ўз юртидан узоқлашганда, уни қумсайди ва соғинади. Бу қумсаш биз умматга Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламдан меросдир. Чунки ислом тарихидан маълумки, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Ўз ватанлари Маккаи мукаррамада 53 ёшларигача яшадилар. Бу давр мобайнида Макка мушриклари томонидан У Зотга бир қанча зулм, душманчилик ва камситишлар бўлди. Шундай бўлса-да ватанларини тарк қилиб бошқа жойга кетмадилар. Аммо Макка мушрикларининг зулмлари ҳаддан ошиб, Расулulloҳнинг жонларига қасд қилиш даражасига борганларидан кейин Аллоҳнинг буйруғига биноан Маккадан чиқиб кетдилар. Чиқиш вақти келганида кўзга ёш олдилар, кўнгиллари бўшаб, Маккага қараб шундай дедилар:

"تَنْكَسْ أَمْرُكُمْ يَنْوُجُحْ أَيْمُوقٌ نَأْأَلْوَلَوْ! يَلِ كَبْحَ أَوْ دَلَبْ نَمْرُ كَبَيْطِ أَمْرُ
كَرِيغْ"

(امههع هلل يضرر سابع نبهههلل دبعبع نع يذمرت الام اإل هاور)

(Эй Макка) **сендан кўра менга севимлироқ ва суюклироқ шаҳар йўқ! Агар қавмим мени сендан чиқармаганида, асло сендан бошқа жойни макон тутмасдим**" (Имом Термизий ривояти).

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам Маккадан узоқлашганлари сари унга бўлган иштиёқлари зиёдалашиб борарди. Шунда Аллоҳ таоло Расулulloҳнинг кўнгилларини кўтариб, Маккага қайтиб келишларини башоратини бериб, Қуръони каримдаги қуйидаги ояти каримани нозил қилди:

دَاعِمِ عَلَى كُدَارِ نَأْرُقُلِ كَيْلَعِ صَرْفِ يَدِّائِنِ

“(Эй, Муҳаммад!) **Албатта, Сизга (ушбу) Қуръонни фарз қилган зот, шак-шубҳасиз, Сизни қайтиш жойига (Маккага) қайтарувчидир...**” (Қасос сураси 85-оят).

Шундан кейин Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам хотиржам сафарларини давом эттирдилар.

Инсоннинг ўз Ватани олдида бир неча вазифалари бўлиб, уларнинг энг муҳимлари учтадир:

1. Ватаннинг ҳаққига дуо қилиш.

Чунки пайғамбарлар ўз ватанлари ҳаққига дуо қилганлар. Масалан, “Пайғамбарларнинг отаси” Иброҳим халилulloҳ ўз ватанлари бўлмиш

Маккаи мукаррама ҳақиға Қуръони каримда дуо қилганлари баён қилинган:

نَمَّ آمَنَ تَارْمَثَلَا نَمُ هَلْهَأُ قُزْرَاوْ أَنَمَّ آدَلَبْ آدَهْ لَعَجَّابْرُ مِيَهَارِبِ لِقْ ذَاوْ
سِلْ إِهْرَطَضَّ أُمَّتْ أَلَيْلِ قُ هُغَّتْ مَأْفَ رَفَكَ نَمَّوَلْ أِقْرَحْ أَلْ أَمُؤَيْلْ أَوَّهْ لَلْ أَبْ مُمْهَنْ
رِي صَمَّ لْ أَسْئَبْ وَرَانْ لَلْ أَبْ آدَعْ

“Эсланг, Иброҳим: “Эй, Раббим, буни (Маккани) тинчлик шаҳри қилгин ва унинг аҳолисидан Аллоҳга ва охират кунига ишонувчиларига (турли) мевалардан ризқ қилиб бергин!”, - деганида, Аллоҳ: “(Улардан) кофир бўлганларини эса, бироз ризқлантириб, сўнгра дўзах азобига мубтало этурман. Бу ўта ёмон оқибатдир”, - деди” (Бақара сураси 126-оят).

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам Мадина мунавварага борганларида унинг ҳақиға қуйидагича дуо қилдилар:

يَا فَا لَلْ كُرَابُّ مُمْهَلْ لَلْ دَشَأُ وَأَهْ كَمَّ أَنْ بَحَّكَ عَنِّي دَمَّ لَلْ أَنْ يَلَّ بِبَحَّ مُمْهَلْ لَلْ
...أَنْ دُمِّي فَوَ أَنْ عَاصُ

(اهنع ه ل ل ل ي ضر ة ش ئ اع نع م ل س م م ام ل ل او ي را خ ب ل ل م ام ل ل ه اور)

“Эй Аллоҳ! Мадинани бизга Маккани суйганимиздек ёки унданда зиёдароқ суюкли қилгин! Ва уни тошу тарозусига - соъу муддига баракот бергин!” (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Мана пайғамбар алайҳиссаломлар яшаб турган юртларига тинчлик ва ризқ сўрадилар. Зеро бу икки неъмат – Ватан фаровонлиги омилларидандир! У иккиси ёки бири топилмаса, бахт саодат йўқолади.

2. Ватан ободлиги учун моддий ва маънавий ҳисса қўшиш.

Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилди:

اهي فم كم ر م ع ت س او ص ر آل انم م كم أش ن أ وه

“У (Аллоҳ) сизларни ердан пайдо қилиб, сизларни уни обод этувчи этди” (Худ сураси 61-оят).

Демак, инсон ер юзини, хусусан яшаб турган юртини, ўз Ватанини обод қилиши – унинг бурчи ҳисобланади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

устига бу заминни сон-саноксиз улуғ зотлар, Аллоҳнинг дўстлари ватан тутишган.

Афсуски, айрим Ватан қадрига етмаган кимсалар, гўёки “ҳижрат қилиш фарз” деган сохта даъвони қилиб, оиласи бағрида тинч, осуда ҳаёт кечираётган мусулмонларни ўзга юртларга чиқиб кетишга даъват қилмоқда. Аммо бугунги кунда турли сиёсий кучларнинг қўлида қўғирчоқ бўлган айрим ватангадолар дунёнинг нотинчлик ҳукм сурган ва ўзлари қўним топган минтақаларига таассубга берилган шахсларни бир жойга жамлаш ва шу орқали хомийларининг режалаштирилган сиёсий мақсадлари йўлида ҳаракатланишмоқда. Хусусан, улар илм-маърифатдан йироқ, жоҳил кимсаларни ўз атрофларига тўплашга интилиб, ислом диёри бўлган, азон айтиладиган, жума ва ҳайит намозлари бемалол ўқиладиган, хуллас, исломнинг беш арконлари эмин-эркин адо этилиб, мусулмончилик амалда бўлган ва ўзлари тинчлик-хотиржамликда ҳаёт кечираётган ватанларини тарк этишга тарғиб қилинмоқдалар.

Ўз юртини ташлаб, ўзга юртларда сарсон-саргардон бўлиш айни ислом таълимотига зид ишдир. Ал-Фокиҳий ўзининг “Макка хабарлари” асарида ёзишча, Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ухлаётганида ёстиғи тагидаги ҳамёни ўғирланади. Ўғри ушланиб, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига олиб борилганида, у ўз қилмишини ушбу маблағ эвазига ҳижрат қилмоқчи эканлиги билан оқламоқчи бўлади. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам эса, унинг содир этган ишини қоралаб, Маккага қайтишини ва ўз шаҳрида яшашини буюриб, “ҳижрат тўхтатилди!”, – дея таъкидлайдилар.

Кишининг ўз юртига меҳр-муҳаббатли бўлишига тарғиб қилиб, Имом Муҳаммад Ғаззолий раҳматуллоҳи алайҳи шундай деганлар: “Инсон ўз туғилиб ўсган ерини ва ундаги нарсаларни, гарчи у жой одам яшамайдиган саҳро бўлса ҳам, яхши кўради. Ватанга бўлган муҳаббат – инсон қалбидаги туғма табиатдир. Бу нарса инсонни ватанида бўлганида хотиржам, мусофирликда соғинадиган, унга ҳужум қилинганда ҳимоя қиладиган, ҳурматсизлик қилинганда ғазабланадиган қилиб қўяди”.

Абу Амр ибн Ало раҳматуллоҳи алайҳ: “Кишининг вафодорлиги унинг ўз ватани учун қайғуришидан, яқинларини соғинишидан ва умрининг зое кетказган лаҳзаларига ўкиниб яшашидан билинади”, – деганлар.

Ҳар биримиз ўз ватанимизга бўлган муҳаббатимизни янада ошириб, тинчлигини қадрига етиб, уни ободлиги ва ривожланиши йўлида ўз

ҳиссамизни қўшиб, кундан-кунга кўпайиб бораётган ислоҳот ва ютуқларига шукр қилиб, ҳар хил ёвуз ниятдаги кимсалардан уни кўз қорачиғимиздек асраб-авайлаб, Ватан равнақи йўлида хизмат қилаётган шахсларнинг ҳаққига дуолар қилиб, ибодатларимизни ўз вақтида бажариб умргузаронлик қилишимиз мақсадга мувофиқдир.

Islom.uz портали таҳририяти